

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИ ВА ҚУРИШНИ
РЕЖАЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БҮЙИЧА ШАҲАРСОЗЛИК
ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТАРКИБИ,
УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, КЕЛИШИШ
ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ
ТҮҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМА**

ШНК 1.03.10-2019

Расмий нашр

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ 2019

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИ ВА ҚУРИШНИ
РЕЖАЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БҮЙИЧА ШАҲАРСОЗЛИК
ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТАРКИБИ,
УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, КЕЛИШИШ
ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ
ТҮҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМА**

ШНК 1. 03. 10 – 2019

Расмий нашр

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент 2019

ШНҚ 1.03.10-19 “Қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришни ва қуришни режалаштиришни ташкил этиш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги – Тошкент, 2019 й.

ИШЛАБ ЧИҚДИ ВА КИРИТДИ: “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖ бош лойиха қидирув институти томонидан ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган (И.С.Ахмедов, И.И.Усманходжаев, Л.К.Мелиева, З.З.Юсупова – мавзу раҳбари, муаллифлар Ж.Ю.Мирзамухамедов О.Я.Демерза, В.Я.Бескоровайный, О.Я.Ескина, З.А.Хван, Ф.И.Цой).

МУХАРРИРЛАР: Х.Х.Очилов, Б.С.Садиков (ЎзР. Қурилиш Вазирлиги), И.И.Усманходжаев, (“Қишлоққурилишлойиха” МЧЖ).

ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАДИ: Техник меъёрлаш, янги технологияларни жорий этиш бошқармаси (Ж.И.Балтаев), Архитектура ва шаҳарсозлик бошқармаси (З.З.Юсупова).

ТАСДИҚЛАНДИ: ЎзР. Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 7 январдаги 8-сонли буйруғи билан.

ШНҚ 1.03.10-19 “Қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришни ва қуришни режалаштиришни ташкил этиш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома” кучга киритилиши билан Ўзбекистон Республикаси худудида ШНҚ 1.03.10-12 ўз кучини йўқотади.

Мазкур ҳужжат расмий нашр сифатида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги рухсатисиз тўла ёки қисман чоп этилиши, кўпайтирилиши ва тарқатилиши мумкин эмас.

© Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

ШНҚ 1.03.10-19

ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ВА ҚУРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БҮЙИЧА ШАҲАРСОЗЛИК ХУЖЖАТЛАРИНИНГ ТАРКИБИ, УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, КЕЛИШИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДА ЙЎРИҚНОМА

**Инструкция о составе, порядке разработки, согласования и утверждения
градостроительной документации по организации планирования развития
и застройки сельских территорий**

**Instructions on the composition, procedure for the development, coordination
and approval of urban planning documentation for the organization of planning
for the development and development of rural areas**

Амалга киритиш муддати 2020-07-04

1. ҚЎЛЛАНИШ СОҲАСИ

1. Ушбу Йўриқнома қишлоқ худудларини ривожлантиришни ва қуришни режалаштиришни ташкил этиш бўйича шаҳарсозлик хужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибни белгилайди.

2. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Ушбу Йўриқномада қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

аҳоли пункти – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан номи, мақоми ва чегаралари белгиланган Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишининг таркибий қисми бўлиб, асосан муқум ҳолатда яшайдиган аҳолига эга худуд;

шаҳарча – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан номи, мақоми ва чегаралари белгиланган Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишининг таркибий қисми бўлиб, бир ёки бир неча маҳалладан ташкил топган, уй-жой бинолари, дала ҳовлилари, ижтимоий, ишлаб чиқариш, транспорт, таълим, мухандислик ва бошқа мақсадлардаги бино ва иншоотлар жойлашган, шунингдек ўзига хос саноат ёки илмий аҳамиятга эга бўлган, аҳолисининг асосий қисми саноат корхоналарида, илмий ва давлат бошқаруви муассасаларида банд бўлган худуд (туманларнинг маъмурий маркази вазифасини бажарувчи ёки аҳолининг асосий қисми банд бўлган

соҳага мутаносиб равишда саноат, курорт, илмий, темир йўл хўжалиги, балиқчилик, тоғ-кончилик, дала ҳовлилари);

қишлоқ (овул) – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан номи, мақоми ва чегаралари белгиланган Ўзбекистон Республикаси маъмурӣ-худудий тузилишининг таркибий қисми бўлиб, бир ёки бир неча маҳалладан ташкил топган, асосан уй-жой, дала ҳовлилари савдо ва майший хизмат кўрсатиш бинолари жойлашган, аҳолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги ва унинг билан боғлиқ бўлган соҳаларда банд ва сони икки юз кишидан ортиқ бўлган худуд;

аҳоли пунктининг бош режаси – яшаш ва фаолият муҳитини шакллантиришнинг комплекс шароитларини, аҳоли пунктлари худудий ривожланишининг асосий йўналишларини белгилайдиган шаҳарсозлик ҳужжати;

аҳоли пунктлариаро худудлар – аҳоли пунктлари чегарасидан ташқаридаги икки ва ундан ортиқ аҳоли пункти ўртасидаги худудлар;

худудни зоналаштириш – аҳоли пункти, қишлоқ худуддаги маҳалла фуқарорлар йиғини ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи юридик шахснинг худудларини ривожлантиришнинг шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштиришда муқим яшайдиган аҳолининг ёки муаъян худудда вактинча фаолият юритадиган ишловчиларнинг хавфсизлигини асрашга йўналтирилган ҳар хил турдаги чекловларни (шаҳарсозлик, санитария, экологик, техноген, ёнғин хавфсизлиги, табиат ҳалокатлари (сув босиш, сел, тупроқ кўчкиси), геологик) хисобга олган ҳолда ушбу худудларнинг қисмларини функционал мақсадга кўра бўлиниши (чекловлар ер участкаларига ҳамда уларда янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган бино ва иншоотлар ёки уларнинг мажмуаларига (ер участкалари ва кўчмас мулкдан фойдаланишга) нисбатан қўлланилади);

шахарча, қишлоқ (овул) чегараси – аҳоли пункти ерларининг уларни ер фондининг бошқа тоифаларидан ажратиб турадиган, шаҳарсозлик ҳужжатларида белгилаб қўйилган ташқи чегараси;

шахарсозлик ҳужжатлари – худудларни, аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш тўғрисидаги ҳамда уларни қуриш ҳақидаги, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжатлар;

қизил чизик – даҳалар, мавзелар ва режалаштириш тузилмаси бошқа қисмларининг худудларини аҳоли пунктларининг кўчалари, тор кўчалари ва майдонларидан ажратиб турувчи, шаҳарсозлик ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган чегаралар;

қуришни тартибга солиш чизиклари – бинолар ва иншоотларни жойлаштиришда шаҳарсозлик ҳужжатларида қизил чизиклардан ёки ер участкаси чегараларидан маълум оралиқ жой ташлаган ҳолда белгилаб қўйиладиган қуриш чегаралари;

худудни режалаштириш тарҳи – худуднинг зоналаштирилишини, аҳолини жойлаштириш тармоқлари такомиллаштирилишининг, тегишли худуднинг аҳоли пунктларини, саноати, қишлоқ хўжалигини, минтақалараро, минтақавий ҳамда аҳоли пунктлариаро аҳамиятга молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайдиган шаҳарсозлик ҳужжатлари;

худудни ривожлантиришнинг тармоқ тарҳи – тегишли ҳудудда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайдиган шаҳарсозлик ҳужжатлари;

рекреация худуди – аҳоли пунктидаги аҳолини дам олиши ва соғломлаштириш учун мўлжалланган хиёбонлар, дам олиш боғлари (парклар), шаҳар боғлари, сув хавзаларидан иборат ҳудудудий зонанинг тури;

яшаш ҳудудлари – уй-жой, жамоатчилик, ишбилармонлик-жамотчилик, рекреация заналарни, муҳандислик-транспорт инфратузилмани, шунингдек жойлашуви ва фаолияти маҳсус санитар-химоялаш заналарига эга бўлиши талаб қилинмайдиган бошқа обьектларни (коммунал, саноат ва бошқалар) жойлаштириш учун мўлжалланган ҳудуд;

жамоат (жамоатчилик) бинолари ва иншоотлари – кишиларнинг вақтинча бўлиши ва ҳар хил турдаги фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган ҳалқ таълими, соғликни сақлаш, савдо, спорт, маданий-оқартув, транспорт хизмати қўрсатиш ҳамда бошқа фуқаролик бинолари ва иншоотлари;

маҳаллалар фуқаролар йиғинлари – давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайдиган ва қонун ҳужжатлари билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудуд доирасида амалга оширадиган, юридик шахс ҳукуқларидан фойдаланадиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидир (маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ҳамда уларнинг номини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг илтимосномалари асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширилади).

3. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

3.1 Ушбу Йўриқномада назарда тутилган лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиша Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, республиканинг меъморчилик ва шаҳарсозлик, курилиш, экология ва ер тузиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга амал қилиш зарур.

3.2 Ушбу Йўриқномада қишлоқ худудларини, қишлоқ ахоли пунктлари, шунингдек, уларнинг алоҳида қисмларининг ҳудудини режалаштириш бўйича лойиҳалаш-режалаштириш хужжатларининг куйидаги турлари назарда тутилади:

- а) қишлоқ ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудини меъморий-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаси;
- б) маҳалланинг шаҳарсозлик жиҳатдан ривожлантириш схемаси;
- в) қишлоқнинг (овулнинг) қисқа ҳажмдаги бош режаси;
- г) қишлоқнинг (овулнинг) батафсил режалаштириш лойиҳаси (кейинги ўринларда БРЛ деб юритилади) билан қўшилган бош режаси;
- д) қишлоқнинг (овулнинг) шаҳарсозлик паспорти;
- е) қишлоқнинг (овулнинг) чегараси чизиги лойиҳаси.

3.3 Вазирлик ва идоралар, вилоят ва туман ҳокимликлари, маҳалла фуқаролари йиғинлари кенгашлари, турли хил шаклдаги қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирувчи юридик шахслар, акциядорлик жамиятлари бошқа юридик ва жисмоний шахслар қишлоқ ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудини меъморий-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаси (кейинги ўринларда ҚҲМФЙХ МРТ лойиҳаси деб юритилади), қишлоқнинг (овулнинг) бош режаси, қишлоқнинг (овулнинг) чегараси чизиги лойиҳаси, қишлоқнинг (овулнинг) шаҳарсозлик паспортларининг буюртмачилари бўлиши мумкин.

4. ҚИШЛОҚ ҲУДУДДАГИ МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАРИ ЙИҒИНИ ҲУДУДИННИНГ МЕЪМОРИЙ-РЕЖАЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4.1 ҚҲМФЙХ МРТ лойиҳаси туманни режалаштириш лойиҳаси (мавжуд бўлганда) ечимларини ривожлантириш сифатида ишлаб чиқилади. ҚҲМФЙХ МРТ лойиҳаси маҳалла фуқаролари йиғинлари кенгаши, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари ҳудудлари ва қишлоқ ҳудудларда жойлашган бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудларини камраб олади.

4.2 ҚҲМФЙХ МРТ лойиҳаси материалларининг таркиби 1-жадвалга мувофиқ қабул қилиниши керак.

1-жадвал

T/p	График материаллар номи	График материаллар масштаби
1.	Қишлоқ ҳудуддаги маҳалла фуқаролари йиғинини туманда, вилоятда жойлашиш схемаси	1 : 10000, 1 : 25000 масштабсиз
2.	Ҳудуднинг ҳозирги фойдаланиши	1 : 10000, 1 : 25000
3.	Атроф мухитнинг ҳозирги аҳволи ва режалаштирувчи чеклашлар схемаси	1 : 10000, 1 : 25000
4.	Ҳудуднинг лойиҳада ташкил этилиши (асосий чизма)	1 : 10000, 1 : 25000
5.	Ҳудуднинг муҳан-дислик тармоқлари ва муҳандислик тайёрланиши схемаси	1 : 10000, 1 : 25000

6.	Автойўллар, транспорт ва ахолига ижтимоий ва маданий-маниший хизмат кўрсатиш обьектларини жойлаштириш схемаси	1 : 10000, 1 : 25000
7.	Изоҳнома	
Изоҳлар:		
1. Атроф муҳитнинг ҳозирги аҳволи схемаси билан ҳудуддан ҳозирги фойдаланилиши схемасини бир варақда қўшиб жойлаштиришига йўл қўйилади.		
2. Ҳудуднинг муҳандислик тармоқлари ва муҳандислик тайёрланиши бўйича тармоқ схемаларини алоҳидаги варақларда бажаршига йўл қўйилади (ВиК, ЭС, ТГС, СТ). Схемаларда ҳар бир муҳандислик тизимининг асосий магистрал ер усти ва ер ости тармоқлари ҳамда уларнинг фаолиятини таъминловчи иншоотлар (станциялар, оқова сувларни кўтариб берувчи мосламалар ва ҳаказо) акс эттирилади (ҳар бир кўча бўйича тизмларнинг тарқалиши ва уларнинг қуввати кўрсатилмайди).		
3. Лойиҳа ечимларини асословчи, деталлаштирувчи схемалар ва илова қилинадиган расмлар қўшимча равиида буюртмачининг топширигига асосан қўшимча тўлов эвазига бажарилиши мумкин.		

4.3 График материалларда кўйидагилар кўрсатилиши керак:

4.3.1 Маҳалла фуқаролари йиғинини туманда жойлаштириш схемаси.

Схемада маҳалла фуқаролари йиғини жойлашган туманнинг чегаралари, маҳалла фуқаролари йиғинининг чегаралари, асосий ердан фойдаланувчилар чегаралари, лойиҳалаштирилаётган МФЙ (маҳалла фуқаролари йиғини), туман маркази, шаҳар ва шаҳарчалар ҳудуди, маҳалла фуқаролари йиғинининг марказий аҳоли пункти (шаҳарча, қишлоқ, овул), халқаро, республика, вилоят ва туман автомобил йўллари, темир йўл тизимлари ва бекатлари, вилоят ҳамда туман аҳамиятига эга муҳандислик коммуникациялари тармоқлари ва иншоотлари, асосий ирригация тизимлари (каналлар, коллекторлар, лотоклар ва бошқалар), дарёлар, сув омборлари ва бошқа сув хавзалари акс эттирилади.

4.3.2 Маҳалла фуқаролари йиғинининг ҳудудидан ҳозирги фойдаланиш ҳолатининг режаси.

Режада МФЙ ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи бўлган юридик шахслар чегаралари, бошқа ердан фойдаланувчилар участкалари чегаралари, қишлоқлар (овуллар) чегаралари, якка тартибдаги уй-жойлар ва кўп қаватли кўп квартирали уй-жойлар қурилган ҳудудлар, жамоат бинолари участкалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи юридик шахслар корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи омборлар ва бошқа инфратузилма ҳудудлари, саноат корхоналари участкалари, аҳоли пунктлардан ташқари ерлар, шу жумладан шудгорлар, боғлар, токзорлар, тутзорлар, яйловлар ва ўтлоклар, туман ҳокимлигининг захирасидаги ерлар, чорвачилик мажмуалари участкалари, дехқон ва фермер хўжаликлари, ирригация тизимлари (каналлар, коллекторлар, лотоклар ва бошқалар), дарёлар, сув омборлари ва бошқа сув хавзалари, йўл-кўча тармоғи, темир йўл тизимлари, магистрал муҳандислик коммуникациялари тармоқлари ва иншоотлари.

Барча элементлар лойиҳани ишлаб чиқиш бошланган йилнинг 1 январь ҳолатига кўрсатилади.

4.3.3 Атроф мұхитнинг ҳозирги ахволи ва режалаштирувчи чеклашлар схемаси.

қишлоқ хұжалик әқинлари, саноат корхоналари ва айрим ишлаб чиқариш объектларининг заарлы таъсир зоналари;

қабристонларнинг санитария-химоя зоналари;

интенсив ҳаракатли автомобиль йўллари, мұхандислик тармоқлари объектларидан санитар-химоя зоналари;

ҳавфли гидрогеологик ҳодисалар зоналари, сув тошадиган зоналар;

сув хавзаларининг қуриқлаш зоналари;

тарихий ва маданий ёдгорликларининг қуриқлаш зоналари;

табиий ландшафтлар химоя зоналари;

ўрмонлар, биорезерватлар, табиат қўриқхоналарининг қуриқлаш зоналари;

ер ости ва ер усти фойдалари қазилмалар қуриқлаш зоналари.

Барча зоналар схемага лойиҳалаштирилаётган ҳудуддаги шамоллар эсадиган йўналишлари кўрсатилган ҳолда туширилиши керак.

4.3.4 Ҳудуднинг лойиҳавий ташкил этилишининг схемаси (асосий чизма).

худуднинг таклиф этилаётган функционал зоналаштирилиши ва меъморий-режалаштириш тузилмаси;

юридик шахслар томонидан эҳтимолдаги ривожланишини ҳисобга олган ҳолдаги ердан фойдаланишнинг ўзгаришлари контурлари;

уй-жой қурилишининг ривожланиши;

мактабгача ва мактаб таълимени, ахолига маданий-маиший, тиббий, рекреацион хизмат кўрсатишни ташкил этиш тизимини истиқболдаги ривожданиши;

асосий транспорт ва пиёда йўллари, мұхандислик-техник инфратузилманинг ривожланиши;

атроф мұхитни муҳофаза қилиш тадбирлари кўрсатилади.

Асосий чизмада ҳудуддан ҳозирги фойдаланишнинг ҳолати ва истиқболдаги, яъни ҳисоб-китоб муддатидаги ҳамда биринчи навбатда қуриладиган бино ва иншоотлар, йўл-кўча тармоқлари, мұхандислик коммуникацияларининг магистрал тармоқлари, рекреация ва бошқа объектлар кўрсатилади.

4.3.5 Ҳудуднинг мұхандислик тармоқлари схемасида:

мұхандислик тизимининг мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган элементлари; сув, иссиқлик, электр ва газ таъминоти манбалари, магистрал кувурлар (ичимлик суви, окова сувлар, табиий газ), тозалаш иншоотлари, алоқа линиялари кўрсатилади.

Схема жуда тўлишиб ва мураккаблашиб кетганида алоҳида «Сув таъминоти ва окова сувлар тизими», «Иссиқлик ва табиий газ таъминоти», «Электр таъминоти ва телефонлаштириш» схемаларини ишлаб чиқилиши мумкин.

Схемаларда хар бир мухандислик тизимининг асосий магистрал ер усти ва ер ости тармоқлари ҳамда уларнинг фаолиятини таъминловчи иншоотлар (станциялар, оқова сувларни кўтариб берувчи мосламалар ва ҳаказо) акс эттирилади (хар бир кўча бўйича тизмларнинг тарқалиши ва уларнинг қуввати кўрсатилмайди, буюртмачининг лойиха топшириғидаги алоҳида ҳолатлардаги кўрсатмалар бундан мустасно).

4.4 Изоҳнома қуидагиларни ўз ичига олади:

а) маҳалла фуқаролари йиғини ҳудудининг ҳозирги ҳолати:

1) маҳалла фуқаролари йиғини жойлашган вилоят ва туман тўғрисида маълумот:

географик жойлашув;

ҳудуднинг майдони;

туташган мамлакатлар (мавжуд бўлганда), вилоятлар ва туманлар;

вилоятнинг ва туманнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши;

тумандаги аҳоли пунктларининг сони ва уларнинг тури бўйича тоифаланиши;

вилоятдаги ва тумандаги аҳоли сони (шаҳарсозлик хужжат ишлаб чиқилиши бошланган йилнинг 1 январдаги ҳолати);

2) маҳалла фуқаролари йиғинининг жойлашуви ва чегаралари тавсифи:

географик жойлашув;

ҳудуднинг майдони;

туташган мамлакатлар, вилоятлар ва туманлар (мавжуд бўлганда) ҳамда бошқа маҳалла фуқаролари йиғинлари;

маҳалла фуқаролари йиғини ҳудудидаги аҳоли пунктларининг сони ва уларнинг тури бўйича тоифаланиши;

маҳалла фуқаролари йиғинининг марказий аҳоли пункти ва ундан туман марказигача масофа (км);

маҳалла фуқаролари йиғинини марказий аҳоли пункти билан боғлайдиган автомобиль йўли ҳамда мавжуд бўлганда темир йўл ва сув йўллари;

3) табиий шарт-шароитлар:

рельеф;

тупроқларнинг тавсифи;

ҳароратнинг мавсумий кўрсаткичлари;

ҳавонинг намлиги;

шамолнинг асосий йўналишлари ва ўртacha тезлик кўрсаткичлари;

ёғингарчиликнинг ўртacha ва мавсумий тавсифи;

сейсмик ҳолат;

гидрогеологик ҳолат;

4) маҳалла фуқаролари йиғини ёки қишлоқ ҳўжалик маҳсулоти этиштирувчи юридик шахс ҳудудидан (ерларидан) фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати:

умумий майдон;

аҳоли пунктлари ерлари мадони;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, яъни қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар жами майдони:

шу жумладан суғориладиган ерлар майдони;

суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар майдони;

хайдаладиган ерлар майдони;

пичанзорлар майдони;

яйловлар майдони;

кўп йиллик мевали дов-дараҳтлар ва токзорлар эгаллаган ерлар майдони;

ўрмон фонди ерлари - ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар;

саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар майдони;

табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ерлар майдони;

моддий маданий мерос объектлари жойлашган ерлар майдони;

сув фонди ерлари (сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қирғозлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар) майдони;

захира ерлар (юқорида кўрсатилган ер фонди тоифаларига киритилмаган ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб берилмаган (реализация қилинмаган) барча туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг тасарруфидаги ерлар) майдони. Изоҳномада худуднинг (ерларнинг) баланси акс эттирилган жадвал келтирилади;

5) маҳалла фуқаролари йиғини худудидаги уй-жой фондининг ҳолати:

уй-жой фонди жами (кв. м);

якка тартибдаги уй-жойлар (кв. м);

кўп қаватли кўп квартирали уй-жойлар (кв. м);

1-қаватлик кўп квартирали уй-жойлар (кв. м);

намунавий лойихалар бўйича бўйича қурилган уй-жойлар (кв. м);

Ушбу кичик банддаги маълумот жадвал шаклида берилади, жадвалда мавжуд фойдаланишдаги уй-жой фонди ва қурилаётган уй-жойлар фонди алоҳида кўрсатилади;

6) ижтимоий объектлар сони ва қуввати;

Маданият;

соғликни сақлаш;

ҳалқ таълими;

мактабгача таълим;

ўрта-маҳсус касб таълим;

савдо ва майший хизмат;

спорт;

- 7) саноат объектлари сони ва қуввати;
- 8) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг инфратузилмаси (машина-трактор парклари, молхоналар, омборлар ва ҳаказо) объектлари сони ва қуввати;
- 9) рекреация объектлари сони ва қуввати;
- 10) муҳандислик тармоқлари ҳолати;
- 11) аҳолининг сони ва унинг бандлигининг ҳолати;
- 12) кўкаламзорлаштириш ҳолати;
- б) лойиҳавий ечимлар:
- 1) худуднинг функционал зоналаштирилиши;
- 2) аҳолининг лойиҳавий сони;
- 3) аҳолини жойлаштирилиши;
- 4) маҳалла фуқаролари йифини худудини лойиҳавий режалаштиришни ташкил этиш;
- 5) аҳолига маданий, майший, тиббий ва савдо хизматларни лойиҳавий режалаштиришни ташкил этиш;
- 6) мактабгача таълим ва ўрта-таълим муассасаларни лойиҳавий режалаштиришни ташкил этиш;
- 7) кўчалар ва автомобил йўлларни, ирригация тармоқларини лойиҳавий режалаштиришни ташкил этиш;
- 8) атоф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари;
- 9) худудни муҳандислик тайёрлаш;
- в) маҳалла фуқаролари йифини худудидаги муҳандислик тармоқларни ривожлантириш;
- г) лойиҳанинг асос ий техник-иктисодий кўрсаткичлари.

5. ҚИШЛОҚНИНГ (ОВУЛНИНГ) ҚИСҚАРТИРИЛГАН ҲАЖМДАГИ БОШ РЕЖАСИ

5.1 Қишлоқнинг (овулнинг) қисқартирилган ҳажмдаги бош режаси қишлоқнинг (овулнинг) худудий ривожлантиришнинг узоқ муддатли (10 йилгача) истиқболлари, унинг режалаштириш тузилмаси, яшаш худудлари, ишлаб чиқариш, коммунал-омбор, рекреация ва бошқа функционал зоналари, худудларни ривожланишини режалаштиришнинг геологик ва сейсмик, техноген, табиий-иклим чекловлари, аҳолининг жойлаштирилиши, транспорт тармоқлари, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилиш тамойилларини белгиловчи асосий шахарсозлик ҳужжати ҳисобланади.

Қишлоқнинг (овулнинг) қисқартирилган ҳажмдаги бош режаси унинг батафсил режалаштириш лойиҳаси билан биргаликда ишлаб чиқилмайди. Алоҳида ҳолатларда буюртмачининг топшириғига асосан қўшимча тўлов эвазига қишлоқнинг (овулнинг) қисқартирилган ҳажмдаги бош режаси унинг батафсил режалаштириш лойиҳаси билан биргаликда тайёрланади.

Алоҳида муҳим аҳолига ижтимоий хизмат қўрсатиш тармоқлари ҳамда муҳандислик тармоқларини ривожлантириш схемалари ҳам буюртмачининг топшириғига асосан қўшимча тўлов эвазига ишлаб чиқилади.

Бош режа қишлоқ аҳоли пункти худудида лойиҳалаштириш ва курилишни амалга оширадиган барча ташкилотлар учун мажбурий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

5.2 Агар илгари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи юридик шахслар ёки маҳалла фуқаролари йиғини худудининг меъморий-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлса, унда қишлоқнинг (овулнинг) бош режасини ишлаб чиқишга йўл қўйилади.

Қишлоқнинг (овулнинг) қисқа ҳажмдаги бош режасини ишлаб чиқишидан мақсад – лойиҳа КҲМФЙХ МРТЛ лойиҳасининг таркибида бўлғанлиги боис зарур қишлоқнинг (овулнинг) факат худудий ривожлантиришнинг истиқболлари, унинг режалаштириш тузилмаси, функционал зоналари, худудларни ривожланишини режалаштиришнинг чекловлари, аҳолининг жойлаштирилиши ҳамда транспорт тармоқларини ривожлантирилиши, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари акс эттиришдадир, яъни ушбу ҳужжатда асосан худудий ривожлантиришнинг истиқболларини белгилашдир.

5.3 Қишлоқнинг (овулнинг) аҳоли пунктининг қисқа ҳажмда ишлаб чиқиладиган бош режаларининг материаллари таркиби 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

T/p	График материаллар номи	Қишлоқ аҳоли пунктлари учун график материаллар масштаби	
		Аҳолиси 5 минг кишигача	Аҳолиси 5 минг кишидан ортиқ
1.	Қишлоқ хўжалик корхонаси худудида аҳоли пунктини жойлаштириш схемаси	1 : 10000, 1 : 25000	1 : 10000, 1 : 25000
2.	Мавжуд аҳоли пункти режаси (таянч режа)	1 : 2000, 1 : 5000	1 : 5000
3.	Транспорт тармоқларини (кўчаларни, автомобиль йўлларни) ривожлантириш схемаси	1 : 2000, 1 : 5000	1 : 5000
4	Атроф муҳитнинг прогноз қилинаётган ахволи схемаси	1 : 2000, 1 : 5000	1 : 5000
5.	Бош режанинг схематик чизмаси	Ихтиёрий масштаб	
<i>Изоҳ:</i> 1) Таянч режа ва асосий чизма топографик негиздә бажарилади.			

5.4 График материаллар қуидаги ҳажмда бажарилиши керак:

5.4.1 Маҳалла фуқаролари йиғини ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи юридик шахс худудида аҳоли пунктини жойлаштириш схемаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи юридик шахс ёки ҚҲМФЙҲ МРТ лойиҳаси таркибидаги «Худуднинг лойиҳада ташкил этилиши» чизмасининг таркибида ишланади ва ушбу схемада қуидагилар кўрсатилади:

лоийҳалаштирилаётган аҳоли пункти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи юридик шахс бошқа аҳоли пунктлари билан боғлик ҳолда, ишлаб чиқариш ва яшаш худудларини ажратиб кўрсатган ҳолда;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи юридик шахс чегаралари, поселкалар чегаралари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи юридик шахснинг функционал зоналари;

дарёлар, ирригация каналлари ва коллекторлар, кўллар, сув омборлари; тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш зоналари;

автойўллар, темир йўллар, кувурлар;

асосий муҳандислик тармоқлари ва муҳандислик тармоқларининг магистрал тармоқлари, ахлатхоналар, қабристонлар.

5.4.2 Таянч режаси, унда қуидагилар кўрсатилади:

аҳоли пункти чегаралари;

худуднинг ҳозирги фойдаланилиши: кўп қаватли турар жойлар, жамоат бинолари, ишлаб чиқариш ва омбор худудлари;

кўчалар, йирик муҳандислик ва транспорт иншоотлари, магистрал муҳандислик тармоқлари;

умумий фойдаланишдаги яшил кўкаlamзорлар, рекреацион зоналар ва иншоотлар, тарих ва маданият ёдгорликлари.

Режага тушириладиган ҳамма ахборот лойиҳа ишлари бошланадиган йилнинг 1 январидаги маълумотларга мувофиқ бўлиши керак.

5.4.3 Бош режа (асосий чизма)да қишлоқ (овул) ва унинг алоҳида функционал зоналари худудининг меъморий-режалаштирилиши бўйича лойиҳа ечимлари кўрсатилади:

яшаш худудлари;

ишлаб чиқариш;

рекреация;

тарих ва маданият ёдгорликларининг қўриқлаш зоналари.

Асосий чизмада кўчалар ва тор кўчалар тизими, аҳоли пунктининг маркази, маҳалла марказлари, асосий майдонлар, кўп қаватли тураржойлар, жамоат бинолари худудлари, ишлаб чиқариш, омбор, коммунал обьектларнинг жойлашуви, умумий фойдаланишдаги яшил кўкаlamзорлар, атроф муҳитни, табиат ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар, шунингдек, ишлаб чиқариш ва яшаш худудларини ривожлантириш учун захирадаги худудлар кўрсатилади. Қишлоқ (овулнинг) лойиҳадаги чегаралари асосий чизмага ва қишлоқ (овулнинг) қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи юридик шахс худудида жойлаштириш схемасига ҳам туширилади.

Бош режанинг барча элементлари икки хил муддатда кўрсатилади: курилишнинг биринчи навбати ва ҳисоб-китобдаги муддат. Қишлоқ (овулнинг) бош режалари 10 йиллик ҳисоб-китобдаги муддатга, курилишнинг биринчи навбати 5 йиллик муддатга ишлаб чиқилади.

5.4.4 Атроф муҳитнинг башорат қилинадиган аҳволининг схемаси бош режа нусхасида бажарилади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган суғориш каналлари ва сув чиқариб юбориладиган коллекторлар;

дарёларнинг тартибга солиниши, тозаланиши, қувур ётқизилиши талаб қилинадиган ўзанлари участкалари;

қишлоқни (овулни) ҳавфли геологик ва гидрогеологик жараёнлардан ҳимоя қилиш иншоотлари;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича лойиҳадаги таклифлар: яшаш ҳудудларидан чиқарилиши лозим бўлган ва заарли таъсирини камайтириш учун маҳсус тадбирлар бажарилишини талаб қиласидиган корхоналар, санитария-ҳимоялаш зоналари, автомагистраллар бўйидаги ҳимояловчи яшил зона.

5.4.5 Бош режанинг схематик чизмаси ихтиёрий масштабда бажарилади ва бош режанинг қишлоқнинг (овулнинг) ҳудудий ривожланиши истиқболлари, жамоат марказларини ҳосил қилиш, кўча-йўллар тармоғини ривожлантириш борасидаги асосий таклифларининг график тасвирини ўз ичига олиши керак.

5.5 Изоҳнома қуйидагиларни ўз ичига олади:

табиий шарт-шароитларнинг асосий тавсифномалари, улар ҳудуднинг ўзлаштирилишида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлари;

курилиш, мавжуд муҳандислик тармоқлари ва ободонлаштириш, бундан олдинги бош режани амалга оширилишининг ҳолатини таҳлили;

шаҳар ҳосил қилувчи негиз ва аҳолининг ҳисоб-китобдаги сонининг ривожланиши истиқболларининг асосланиши;

ҳудуднинг функционал зоналаштирилиши;

архитектура-режалаштирилишини ташкил этиш;

уй-жой қурилиши ва унинг жойлаштирилишининг асосланиши;

аҳолига маданий-маишӣ ва ижтимоӣ хизмат кўрсатиш объектлари;

умумий фойдаланишдаги яшил кўкарамзорлар, рекреацион объектларнинг ҳисоб-китоби, ҳудуднинг баланси;

муҳандислик тармоқларнинг асосий қоидалари;

биринчи навбатдаги қурилишнинг жойлаштирилиши;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш;

ёнғинга қарши чора-тадбирлар;

йиғма техник-иктисодий кўр-саткичлар.

Изоҳ: Изоҳномага лойиҳалаштириши топшириги, техник кенгаилар мажлис баённомалари ва эскизларнинг манфаатдор ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиши ва келишилиши бўйича ҳужжатлар илова қилинади.

6. ҚИШЛОҚНИНГ (ОВУЛНИНГ) БАТАФСИЛ РЕЖАЛАШТИРИШ ЛОЙИХАСИ (БРЛ) БИЛАН ҚҰШИЛГАН ТҮЛИҚ ҲАЖМДАГИ БОШ РЕЖАСИ

6.1 Ахолининг лойиҳадаги сони 15 минг кишигача бўлган қишлоқ (овул) учун бош режаларни батафсил режалаштириш лойиҳаларини БРЛ билан қўшилган ҳолда ишлаб чиқиши алоҳида ҳолатларда буюртмачининг топшириғига асосан қўшимча тўлов эвазига қишлоқнинг (овулнинг) қисқартирилган ҳажмдаги бош режаси унинг батафсил режалаштириш лойиҳаси билан биргаликда тайёрланади.

6.2 Қишлоқнинг (овулнинг) батафсил режалаштириш лойиҳаси билан қўшилган бош режасини ишлаб чиқишдан мақсад қуидагилардан иборат:

худуднинг режалаштириш тузилмаси, функционал зоналаштирилишини аниқлаштириш, қишлоқнинг (овулнинг) батафсил режалаштириш лойиҳаси билан қўшилган бош режасини лойиҳасида белгиланган жамоат марказларини ташкил қилиш;

кўчалар ва майдонларнинг қизил чизиқлари, уйларнинг қаватлилигини белгилаш;

курилишнинг тўлиқ-ҳажмли ва меъморчилик-бадиий ечимлари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

хизмат кўрсатиш корхоналарига эҳтиёжни аниқлаш ва уларнинг жойлаштирилишини белгилаш.

худуднинг мухандислик тармоқлари, ободонлаштирилиши ва кўкаламзорлаштирилиши, транспорт хизмати кўрсатиш, тарих ва маданият ёдгорликларини қўриклиш ва фойдаланиш, шунингдек, атроф мухитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш масалалари ечими.

6.3 Қишлоқнинг (овулнинг) батафсил режалаштириш лойиҳаси билан қўшилган тўлиқ ҳажмдаги тасдиқланган бош режаси жорий қурилиш учун лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқишига архитектура-режалаштириш топшириқларини бериш, бинолар ва иншоотларни куриш лойиҳаларини тузиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

6.4 Қишлоқнинг (овулнинг) батафсил режалаштириш лойиҳаси билан қўшилган тўлиқ ҳажмдаги бош режасини амалга оширишнинг ҳисоб-китобдаги муддати, одатда, ҚҲМФЙҲ МРТ лойиҳасининг ҳисоб-китобдаги муддати доирасида бўлади.

Буюртмачининг ҳоҳишига кўра унинг лойиҳа топшириғига асосан қурилишнинг биринчи навбати ажратиб кўрсатилиши мумкин.

6.5 Қишлоқнинг (овулнинг) батафсил режалаштириш лойиҳаси билан қўшилган тўлиқ ҳажмдаги бош режаси материаллари таркиби З-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

T/p	График материаллар номи	График материаллар масштаби
1	2	3
1.	Кишлоқни (овулни) жойлаштириш схемаси	1 : 10000, 1 : 25000
2.	Худуднинг ҳозирги фойдаланилиши режаси (таянч режа)	1 : 2000
3.	Атроф мухитнинг ҳозирги аҳволи ва режалаштирувчи чеклашлар схемаси	1 : 2000
4.	Батафсил режалаштириш лойиҳаси билан кўшилган тўлик ҳажмдаги бош режаси (асосий чизма)	1 : 2000
*5.	1-навбатдаги курилишни жойлаштириш схемаси	Асосий чизма билан кўшиб ишланади 1 : 2000
*6.	Режалаштириш ва курилиш макети	1 : 2000
7.	Қизил чизикларнинг бўлинган чизмаси	1 : 2000
8.	Муҳандислик тармоқлари схемаси	1 : 2000
9.	Муҳитнинг прогноз қилинадиган ҳолати схемаси	1 : 2000
10.	Кўчаларнинг кўндаланг кесимлари	1 : 2000–1 : 100
11.	Изоҳнома	

Изоҳлар:

1) Таянч режа ва асосий чизма топографик режсада бажарилади, қишлоқнинг (овулнинг) аҳоли пунктини жойлаштириши схемаси КҲМФЙХ МРТ лойиҳаси асосий чизмасида жойлаштирилади, бошқа барча чизмалар асосий чизмада жойлаштирилади.

2) Курилишининг режалаштириши тузилмаси, зоналаштирилиши ва тўлиқ-ҳажсмли композицияси гоясини янада тўлароқ очишига ёрдам берадиган кўшишмча кўргазма қилинадиган ихтиёрий масштабдаги материаллар буюртмачи билан келишилган ҳолда ва унинг ҳисобига бажарилиши мумкин.

3) Муҳандислик ускуналари схемасидаги элементлар жуда кўпайиб кетгани ҳолда алоҳида тармоқли схемаларнинг бажарилишига йўл қўйилади.

* Уибӯ қисмлар фақат буюртмачининг ҳоҳишига кўра қўшишмча тўлов эвазига бажарилади.

6.6 Қишлоқ аҳоли пунктининг батафсил режалаштириш лойиҳаси (БРЛ) билан кўшилган тўлиқ ҳажмдаги бош режасининг график ва матнли материаллари қуйидаги ҳажмда бажарилади:

а) Қишлоқ худудида аҳоли пунктини жойлаштириш схемасида лойиҳалаштирилаётган қишлоқ аҳоли пункти худуддаги бошқа аҳоли пунктлари, ишлаб чиқариш, коммунал-омбор зоналари ва қишлоқ хўжалик экинлари зоналари билан боғлиқ ҳолда автойўллар, темир йўллар, магистрал муҳандислик тармоқлари ва иншшотлари кўрсатилади;

б) таянч режасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:
 мавжуд аҳоли пункти чегаралари;
 кўп қаватли уйлар;
 жамоат бинолари;
 томорқа ерлар;

хўжалик иморатлари;
 кўча тармоқи ва хўжалик тор кўчалари;
 автомобиллар туриш жойлари;
 кўкаламзорлар штирилган худудлар;
 сув ҳавзалари ва оқиб чиқиб кетадиган йўллар;
 кўприклар;
 тўғонлар;
 муҳандислик тармоқларининг магистрал тизимлари ва асосий иншоотлари;

омборлар, коммунал хўжалик обьектлари;

тарихий ва маданий ёдгорликлар ҳамда уларнинг қўриқлаш зоналари;

барча турдаги қурилишга ажратиладиган ерлар чегаралари;

лойиҳалаштирилаётган қизил чизиклар;

в) атроф муҳитнинг ҳозирги аҳволи ва режалаштирувчи чеклашлар схемасида қўйидагилар акс эттирилади:

худуднинг сейсмик даражаси кўрсатилган ҳолдаги қурилиш учун яроқлийк даражаси бўйича туманлаштирилиши;

ишлаб чиқариш обьектлари, саноат корхоналари, қабристонлар ва бошқа обьектларнинг санитария-химоялаш зоналари; сув оқиб чиқиб кетадиган йўллар, сув таъминоти манбалари, шу жумладан, ёнғинга қарши сув манбалари, қувурлар, юқори вольтли электр узатиш тизимлари, тарих ва маданият ёдгорликларининг қўриқлаш зоналари;

г) қишлоқ аҳоли пунктининг батафсил режалаштириш лойиҳаси билан қўшилган тўлиқ ҳажмдаги бош режасида (acosий чизма) қишлоқни (овулни) лойиҳалаш чегаралари ичida қурилишнинг меъморчилик-режалаштирилиши ечимини аниқлаш лозим.

Унда ушбу банднинг “б” кичик бандида санаб ўтилган ҳамма элементлар уч муддатга бўлиб кўрсатилади:

сақлаб қолинадиган;
 қурилишнинг 1-навбати;
 ҳисоб-китобдаги муддат.

Ҳисоб-китобдаги муддат учун захирадаги тураржой, жамоатчилик ва ишлаб чиқариш қурилишлари ҳам кўрсатилади. Қурилишнинг 1-навбати ажратиб кўрсатилиши керак, шунингдек, лойиҳалаштирилаётган қизил чизиклар, кўчалар классификацияси, пиёдалар харакатланаётган асосий йўллар, хўжалик тор кўчалари ҳам кўрсатилади;

*д) қишлоқнинг (овулнинг) аҳоли пунктини режалаштириш ва қуриш макетида лойиҳалаштирилаётган қишлоқнинг (овулнинг) чегараларидағи бинолар ва иншоотларнинг жойлари, магистрал кўчалар, йўллар ва майдонлар, яшил кўкаламзорлар ва муҳандислик иншоотлари рельефли тасвирида кўрсатилиши керак. Макетнинг ҳажмли ечими характери қурилишнинг тўлиқ-ҳажмли композициясини аниқлашга ёрдам бериши лозим;

е) қизил чизикларнинг бўлинган чизмасида лойиҳадаги қизил чизикларнинг узеллари ва бўлиниши нуқталари координатлари ва уларнинг шу жойда маҳкам ўрнатилган геодезик белгилар, таянч бинолар ва иншоотларга боғланиши кўрсатилади;

ж) муҳандислик тармоқлари схемасида мавжуд, сакланаётган ва лойиҳалаштирилаётган водопровод, оқова сув, табиий газ, иссиқлик энергияси, электр энергияси таъминоти, телевидение, радио ва телефоннинг магистрал муҳандислик тармоқлари ва иншоотлари, лойиҳалаштирилаётган қишлоқ (овул) муҳандислик тармоқларининг туман магистрал тизимлари ва иншоотларига қўшилиши жойлари кўрсатилади. Муҳандислик тармоқлари схемасидаги элементлар жуда кўпайиб кетгани холда алоҳида тармоқ схемалари ишлаб чиқилиши мумкин.

з) атроф муҳитнинг прогноз қилинадиган ҳолати схемасида куйидагилар акс эттирилади:

хавфли геологик жараёнлардан ҳимояловчи иншоотлар;

атроф муҳитни яхшилаш бўйича лойиҳадаги таклифлар, яъни шу зонадан чиқарилиши лозим бўлган ва заарли таъсирини камайтириш учун маҳсус тадбирлар бажарилишини талаб қиласиган ишлаб чиқариш объектлари;

кўкаламзорлаштирилган санитария-ҳимоялаш зоналари;

автомагистраллар бўйидаги ҳимояловчи яшил зона.

Кичик қишлоқлар (овуллар) учун 1:2000 масштабли схемани ишлаб чиқища кўчалар ва қизил чизиклар ўқлари бўйича мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган баландлик белгилари ва бўйлама қияликлар кўрсатилиши лозим;

и) алоҳида чизмада ёки альбомда кўчаларнинг муҳандислик тармоқлари жойлаштирилган лойиҳалаштирилаётган кўндаланг йўналишларини кўрсатиш керак бўлади;

к) изоҳномада куйидагилар баён қилиниши керак:

асосий ҳужжатлар ва материаллар рўйхати;

табиий шароитларнинг қисқача тавсифномаси;

атроф муҳит ҳолатининг баҳоси;

худуддан ҳозирги фойдаланиш таҳлили;

мавжуд қурилиш;

тарихий ва маданий ёдгорликлар;

муҳандислик ускуналари;

транспорт, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришнинг тавсифномаси;

loyiҳада қабул қилинган қурилишнинг меъморчилик-режалаштирилиши ва тўлиқ-ҳажмли ечимлари;

ҳамма турдаги янги қурилиш ҳажмлари;

уй-жойлар ва жамоат бинолари типлари;

биноларнинг бузиб ташланиши босқичлари;
 кўкаламзорлаштириш тизими;
 тарихий ва маданий ёдгорликларини ҳимоя қилиш ва фойдаланиш бўйича таклифларнинг асосланиши;
 ахолига хизмат кўрсатиш тизимини ташкил қилиш;
 хўжалик иморатларини жойлаштириш,
 транспорт хизматини ва пиёдалар ҳаракатини ташкил этиш бўйича таклифлар;
 худуднинг муҳандислик тармоқлари бўйича қабул қилинган схемаларнинг асосланиши;
 атроф муҳитнинг яхшиланишига ёрдам берадиган шаҳарсозлик ва бошқа чора-тадбирлар баёни.

Тушунтириш хатида лойиҳанинг зарурий техник-иктисодий кўрсаткичлари келтирилади, лойиҳани амалга ошириш ҳажмлари ва навбатлилиги юзасидан қабул қилинган ечимлар асосланади.

Изоҳ: *Ушбу кисм фақат буюртмачининг ҳоҳишига кўра қўшимча тўлов эвазига бажарилади.

7. КИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТИНИНГ ЧЕГАРАСИНИ БЕЛГИЛАШ

7.1 ҚҲМФЙХ МРТ лойиҳаси ва бош режа билан белгиланган шаҳарча, қишлоқ (овул) чегараси умумий худудининг 10-15% миқдоридаги заҳира ерларни хисобга олган ҳолдаги шаҳарча, қишлоқнинг (овулнинг) 10 йил давомида ривожлантириш учун зарур худудни ўз ичиға олиши лозим.

7.2 ҚҲМФЙХ МРТ лойиҳаси ва шаҳарча, қишлоқнинг (овулнинг) бош режасига мувофиқ белгиланган чегаралар доирасида жойлашган ерларнинг ҳаммаси шаҳарча, қишлоқнинг (овулнинг) худудларига киради.

Шаҳарча, қишлоқнинг (овулнинг) ерлари яшаш худудлари, ишлаб чиқариш ва бошқа худудлардан иборат бўлади. Яшаш худудларига уй-жойлар (томорқа участкалари), жамоат бинолари, умумий фойдаланишдаги яшил кўкаламзорлар, кўчалар, тор кўчалар ва майдонлар киради.

Ишлаб чиқариш худудлари қишлоқ хўжалик корхонаси ишлаб чиқариш обьектлари, муҳандислик ускуналари ва муҳандислик ускуналари иншоотларининг участкаларидан иборат бўлади. Бошқа худудларга қабристонлар, ноқулай ерлар, қишлоқ хўжалик экинлари майдонлари киради.

7.3 Шаҳарча, қишлоқнинг (овулнинг) чегарасини белгилашда унинг трассасини табиий йўналишлар (сув йўллари, жарликлар, тоғ қирралари, тепаликлар, қишлоқ хўжалик ерларининг чегаралари) ёки сунъий иншоотлар (суғориш каналлари, коллекторлар, йўллар, қувурлар, электр узатиш линиялари) билан кўшиб белгилаш маъқулдир

7.4 Қишлоқ аҳоли пунктининг поселка чегарасини белгилашга доир материаллар таркиби қуйидагича:

поселка чегарасига кирадиган ерлар баёни туширилган тушунтириш хати ва аҳоли пункти чегараларининг баёни;
поселка чегаралари туширилган 1:10000 масштабли схематик режа.

8. ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ВА ҚУРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БҮЙИЧА ШАҲАРСОЗЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИ КЕЛИШИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

Умумий қоидалар

8.1 Лойиҳалаш-режалаштириш ҳужжатлари тасдиқлаш учун тақдим этишга қадар лойиҳа муаллифи бўлган лойиҳа ташкилоти томонидан тегишли давлат ҳокимияти органлари ҳамда буюртмачи ва лойиҳалаштириш топшириқномасида кўрсатилган манфаатдор ташкилотлар билан келишиб олиниши керак.

Лойиҳаловчи ташкилот лойиҳалаш ҳужжатларини манфаатдор ташкилотларга бир вақтнинг ўзида кўриб чиқиш учун зарур нусхада тақдим қиласди.

Буюртмачи лойиҳаловчи ташкилотга ёрдам беради.

8.2 ҚҲМФЙҲ МРТ лойиҳасининг келишувини тўлиқлиги, уларнинг белгиланган тартибга мувофиқ бўлиши учун жавобгарлик лойиҳаловчи ташкилот ва туман (шаҳар) курилиш бўлими зиммасига юкланди.

8.3 ҚҲМФЙҲ МРТ лойиҳаси тўлиқ ишлаб чиқилиши тугалланганидан кейин вилоят Курилиш бош бошқармаси уларнинг бир вақтда кўриб чиқилишини ташкил этади.

8.4 ҚҲМФЙҲ МРТ лойиҳаси тасдиқлаш учун тақдим этишга қадар куйидагилар билан келишилади:

- а) буюртмачи;
- б) қишлоқ хўжалик корхонаси бошқаруви (мавжуд бўлганда);
- в) маҳалла фуқаролари йиғини;
- г) туман туман (шаҳар) курилиш бўлими бўлими;
- д) туман ҳалқ таълими бўлими;
- е) туман соғлиқни сақлаш бўлими;
- ж) туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими;
- з) автойўллар хўжалиги туман бўлинмаси;
- и) туман статистика бўлими;
- к) экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг туман бўлинмаси;
- л) Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаментининг ҳудудий бўлинмаси (ҚҲМФЙҲ МРТ лойиҳаси камраб олган ҳудудда маданий мерос обьектлари мавжуд бўлганда);
- м) туман электр тармоқларидан фойдаланиш корхонаси;
- н) туман табиий газ тармоқларидан фойдаланиш корхонаси;
- о) туман ичимлик суви тармоқларидан фойдаланиш корхонаси.

8.5 ҚХМФЙХ МРТ лойиҳаси туман ҳокимлигига ва тегишли ташкилотларга келишиш учун бир вактда киритилади.

Ишлаб чиқылган лойиҳани турли идораларда күриб чиқиши жараёнида пайдо бўлган ўзгартиришлар ва қўшимчалар лойиҳаловчи ташкилот томонидан лойиҳани тасдиқлаш учун тақдим этишга кадар лойиҳага киритилади. Агар лойиҳани турли ташкилотлар томонидан кўриб чиқиши жараёнида зиддиятлар келиб чиқса, унда унга ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг киритилиши зарурлиги ҳақидаги масала лойиҳани тасдиқлаш учун тақдим этувчи ташкилот томонидан ҳал қилинади.

ҚХМФЙХ МРТ лойиҳаси тегишли ташкилотлар томонидан 20 кундан ошмаган муддатда келишилади. Ҳеч бир ташкилот томонидан ҚХМФЙХ МРТ лойиҳаси унга келишишга киритишдан олдин бошқа ташкилот томонидан келишилган бўлиши шартини қутиш тақиқланади.

Келишишга киритилган ҚХМФЙХ МРТ лойиҳасига нисбатан ташкилотларининг эътиrozлари мавжуд бўлганда ҚХМФЙХ МРТ лойиҳаси норматив-хуқуқий актлар ва норматив-идоравий хужжатларининг аниқ нормаларига асослантирилган ҳолда қайта ишлаш учун унинг ишлаб чиқувчисига қайтарилади.

ҚХМФЙХ МРТ лойиҳаси ишлаб чиқувчиси томонидан эътиrozлар бартараф этилганда ёки эътиrozлар қабул қилинмаганлиги ҳақидаги асослантирилган ҳолда ҚХМФЙХ МРТ лойиҳаси тақроран келишишга киритилганда улар томонидан лойиҳа ўн кундан ошмаган муддатда келишилади. Тақроран кўриб чиқишида ҚХМФЙХ МРТ лойиҳасига нисбатан олдин билдирилмаган эътиrozларни киритиш тақиқланади.

Келишилган ҚХМФЙХ МРТ лойиҳаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилади.

ҚХМФЙХ МРТ лойиҳасининг тасдиқланган бир нусхаси Қорақалпоғистон Республикаси Курилиш вазирлигига, вилоятлар Курилиш бош бошқармаларига топширилиши лозим.

Тасдиқланган лойиҳаларга ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг киритилишига фақат уларни белгиланган тартибда тасдиқлаган органлар қарорига биноан йўл қўйилади.

8.6 ҚХМФЙХ МРТ лойиҳаси ва қишлоқ (овуллар) бош режаларининг асосий ечимлари то тасдиқлангунига қадар қишлоқ маҳалла фуқаролари йиғини томонидан ташкил этиладиган аҳолининг кенг жамоатчилик мухокамасидан ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

8.7 ҚХМФЙХ МРТ лойиҳалари тегишли ташкилотлар билан келишилганидан кейин экспертизадан ўтказилиши керак ва вилоят ҳокимлигининг меъморчилик ва қурилиш Бош бошқармаси томонидан тасдиқланиши лозим.

8.8 Қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари ва тасдиқланган ҚҲМФЙХ МРТ лойиҳасини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган поселка чегаралари лойиҳалари экспертизадан ўтказилганидан сўнг вилоят ҳокимлигининг меъморчилик ва қурилиш Бош бошқармаси тақдим-номасига биноан туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланиши лозим

1-илова
Мажсубурий

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«___» 200___ йил

вилоятининг
туманидаги
қишлоқнинг (овулнинг)
бош режасини ишлаб чиқиш учун

ЛОЙИХАЛАШ ТОПШИРИФИ

1.	Лойихалаштирилаётган объектнинг номи	
2.	Лойихалаштириш учун асос	
3.	Аҳолининг ҳозирги сони	минг киши
4.	Аҳолининг ёшлар бўйича таркиби, аҳолининг табиий ва механик ўсиши динамикаси, бўш меҳнат ресурсларининг мавжудлиги	
5.	20 ___ йил учун асосий маълумотлар	
	Хисоб-китобдаги муддат	йилгача
6.	Қишлоқнинг (овулнинг) ҳозирги чегаралардаги худуди	га
7.	Ҳозирги ҳолатдаги уй-жой фонди	минг м ²
8.	Аҳолига ижтимоий ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг ҳозирги аҳволи хақидаги маълумотлар	
9.	Асосий кўрсаткичли муҳандислик тармоқлари билан таъминланганлик	
10.	Ишлаб чиқариш худудлари, саноатда ишловчилар сони	
11.	Кўчалар тармоғи, кўчаларнинг узунлиги ва типлари бўйича габаритлари	
12.	Табиий муҳитнинг (тупроқ, сув, ҳавонинг) ҳозирги аҳволи	
13.	Бошқа маълумотлар	
14.	Истиқболдаги чегаралар	
15.	Бош режада қўйидагилар бўйича таклифлар ишлаб чиқилиши лозим:	а) функционал зоналаштириш; б) иш билан банд қилиш ўринларини жойлаштириш; в) яшаш худудлари ва ишлаб чиқариш зоналари учун захира худудларини аниқлаш; г) асосий кўчалар тизимини белгилаш; д) муҳандислик тармоқлари ва санитар тозалаш бўйича принципиал

		ечимларнинг асосланиши; е) атроф мухитни муҳофаза қилиш; ж) тарих ва маданият ёдгорликларини химоя қилиш; з) қишлоқни (овулни) истиқболда урбанизациялаш бўйича таклифлар.
16.	Лойиҳалаштириш учун асосий маълумотлар:	а) масштабли топографик материаллар; б) муҳандислик-геологик қидиувлар; в) _____ йилда бажарилган қишлоқ хўжалик корхонаси ёки маҳалла фуқаролари йифини худудининг меъморчилик-режалаштирилиши лойиҳаси; г) буюртмачи берган ёки буюртмачининг лойиҳалаш топшириғига биноан институти томонидан тўпланадиган материаллар.
17.	Йўриқномадан четланган ҳолда лойиҳа таркибининг ўзгартирилиши	
18.	Кўшимча намойиш қилинадиган материаллар	
19.	Алоҳида талаблар	
20.	Лойиҳалаштириш муддати	дан бошлаб гача қўйидагicha: босқичларга бўлиб белгиланади.
21.	Келишувларни амалга ошириш	а) лойиҳа ташкилоти томонидан амалга ошириладиган келишувлар; б) буюртмачи томонидан амалга ошириладиган келишувлар.

Лойиҳанинг бош меъмори

Буюртмачи

**Қишлоқ хўжалик корхонаси ёки маҳалла фуқаролари йиғини
 худудининг меъморчилик-режалаштирилиши лойиҳасининг
 асосий техник-иктисодий кўрсаткичлари**

T/р	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	Курилиш бошланадиган йил	Биринчи навбати	Ҳисоб-китобдаги муддат
1	2	3	4	5	6
	I.Худудлар Лойиха қамраб олган умумий худуд ўлчами Қишлоқ хўжалик корхонаси худуди ўлчами, шу жумладан:	га			
1.	Дала ерлари, шу жумладан: а) шудгор б) боғлар в) токзорлар г) тутзорлар д) бўз ерлар е) яйловлар ж) ўтлоқлар	га - - - - - -			
2.	Қишлоқлар (овуллар) аҳоли пунктлари чегараларидаги худудлар, жами шу жумладан: яшашиб худудлари ишлаб чиқариш ноқулай ва бошка	-			
3.	Мелиорация босқичидаги ерлар	га			
4.	Ўрмонзорлар	га			
5.	Автойўллар, дала йўллари, сўқмоқлар	га			
6.	Сув юзалари, коллектор-дренаж тармоғи	га			
7.	Ишлаб чиқариш худудлари	га			
8.	Бошка ерлар	га			
1.	II. Аҳоли ва меҳнат ресурслари Жами аҳолининг умумий сони, шу жумладан, шаҳарчалар бўйича	ишличи			
2.	Меҳнатга лаёқатли ёщдаги аҳоли	ишличи			
3.	Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг жами сони	иши			
4.	Шаҳар ҳосил қилувчи ишловчиларнинг умумий сони, шу жумладан: қишлоқ хўжалигидаги;	ишличи ишличи			

1	2	3	4	5	6
	саноат, қурилиш корхоналари ва туман аҳамиятига эга муассасалардаги; қишлоқ хўжалик корхонасидан бошқа жойдаги	ишчи ишчи			
5.	Хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари сони	ишчи			
6.	Шахсий ёрдамчи хўжалигида ва уй-рўзғорда ишловчилар сони	ишчи			
7.	Мехнатга лаёқатли ёщдаги иш билан банд бўлмаган аҳоли	ишчи			
1.	III. Уй-жой қурилиши Жами уй-жой фонди, шу жумладан: саклаб қолинадиган, қайта таъмирланадиган; янги қурилиш	умумий майдони кв.м.			
2.	Ахолининг умумий майдон билан ўртача таъминланганлиги	кв.м.			
3.	Уй-жой фонди зичлиги	кв.м /га			
1.	IV. Маданий-маиший қурилиш Болалар мактабгача муассасалари	минг ўрин			
2.	Умумий таълим мактаблари ва мактабдан ташқари болалар муассасалари	минг ўрин			
3.	Тиббиёт муассасалари	объект			
4.	Маданият ва дам олиш муассасалари	ташриф ўринлари			
5.	Спорт иншоотлари	ўринлар			
6.	Савдо корхоналари	савдо майдони, кв.м.			
7.	Умумий овқатланиш корхоналари	ўтқазиш ўринлари			
8.	Коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш муассасалари	ишчи ўринлари			
1.	V. Ишлаб чиқариш қурилиши Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари	объект			
2.	Қурилиш ташкилотлари	-			
3.	Енгил ва озиқ-овқат саноати объектлари	-			
4.	Омборлар ва базалар	объект			
5.	Коммунал хўжалик муассасалари	-			
1.	VI. Мухандислик ускуналари ва ободонлаштириш Кўча-йўл тармоғининг узунлиги (кўчалар ва йўллар типи бўйича)	км			
2.	Умумий истеъмол қилинадиган сув ҳажми	минг м3 сутка			

1	2	3	4	5	6
3.	Ичимлик суви таъминоти иншоотлари (типи, унумдорлиги)	бирлик			
4.	Оқова сув тармоқларининг йўлларининг умумий ҳажми	минг м ³ сутка			
5.	Оқова сув тармоқлари тозалаш иншоотларининг жами қуввати	минг м ³ сутка			
6.	Электр энергиясининг жами истеъмоли	минг Квт ч.г.			
7.	Газнинг жами истеъмоли	млн. м ³ йил			
8.	Иссиқликнинг бир йиллик сарфи	гкал Мвт			
9.	Марказлаштирилган иссиқлик манбалари қуввати	гкал соат			
1.	VII. Ирригация тармоғи	км			
2.	Коллектор-дренаж тармоғи	км			
3.	Худуднинг хавфли гидрогеологик ҳодисалардан ҳимояси: химоя иншоотлари узунлиги	км			
4.	Ботқоқ жойларнинг қуритилиши	га			
5.	Бузилган ерларнинг қайта культивацияси	га			
	VIII. Атроф мухитни муҳофаза қилиш				
1.	Ишлаб чиқариш обьектларидан санитария-химоялаш зоналари	га			
2.	Шовқинли зоналарнинг кўкалам-зорлаштирилиши	га			

М У Н Д А Р И Ж А

1.	ҚҮЛЛАНИШ СОҲАСИ	3
2.	АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР	3
3.	АСОСИЙ ҚОИДАЛАР	5
4.	ҚИШЛОҚ ҲУДУДДАГИ МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАРИ ЙИФИНИ ҲУДУДИНинг МЕъМОРИЙ- РЕЖАЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	6
5.	ҚИШЛОҚНИНГ (ОВУЛНИНГ) ҚИСҚАРТИРИЛГАН ҲАЖМДАГИ БОШ РЕЖАСИ	11
6.	ҚИШЛОҚНИНГ (ОВУЛНИНГ) БАТАФСИЛ РЕЖАЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАСИ (БРЛ) БИЛАН Қўшилган тўлиқ ҳажмдаги бош режаси	15
7.	ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТИНИНГ ЧЕГАРАСИНИ БЕЛГИЛАШ	19
8.	ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ВА ҚУРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ШАҲАРСОЗЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИ КЕЛИШИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ	20
1-илова	Қишлоқнинг (овулнинг) бош режасини ишлаб чиқиши учун лойиҳалаш топшириғи.	22
2-илова	Қишлоқ хўжалик корхонаси ёки маҳалла фуқаролари йиғини ҳудудининг меъморчилик-режалаштирилиши лоийиҳасининг асосий техник-иктисодий қўрсаткичлари	25

